# „ЯНГИ УЙ ҚУРМАЙ ТУРИБ, ЭСКИСИНИ БУЗМАНГ“

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви, унинг кун сайин истиқлол сари олға интилиши, ички ва ташқи сиёсий фаолияти, халқимизнинг маънавий маданиятини юксалтириш йўлида қилинаётган муҳим ишлар чет давлат арбобларини, журналистларини, ишбилармонларини, умуман, ҳаммани қизиқтириб келмоқда.

Кейинги вақтларда республика Президенти Ислом Каримовнинг бир қанча чет эллик давлат арбоблари, шунингдек, Мисрда чиқадиган «Аль-Аҳром» газетасининг (декабрь, 1992 йил), «Комсомольская правда» газетасининг мухбирлари (февраль, 1993 йил), Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги хорижий мухбирлар Халқаро уюшмаси билан Тошкентда бўлиб ўтган суҳбатидаги (март 1993 йил) савол-жавоблари юқоридаги фикримизнинг яққол далилидир.

Бу мулоқотлар нимаси билан аҳамиятли? Биринчидан, республика Президентига берилган саволларда ғоят долзарб муаммолар ҳақида гап боради. Иккинчидан, қўшни давлатларда содир бўлаётган воқеаларга Ўзбекистон Президентининг фаол муносабати ёш мустақил мамлакатимиз олиб бораётган миллатлараро тинчлик ва тотувлик сиёсатининг нақадар ҳаётий ва зарур эканлиги кўрсатилади. Учинчидан, ана шундай учрашувлардаги савол-жавоблар, юқорида айтиб ўтганимиздек, ижтимоий ҳаётимизнинг бугунги ва эртанги тараққиётини белгилаб берадики, уларни ўрганиш, айниқса, ёшларимизнинг мустақил Ўзбекистоннинг мустақил ва фидойи фарзандлари бўлиб шаклланишларида катта аҳамиятга эга.

Шуларни назарда тутиб республика Халқ таълими вазирлиги Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг хорижий газеталар мухбирлари билан савол-жавоблари ва «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг» рисоласини мактаблар, ҳунар-техника, педагогика билим юртлари, педагогика институтлари, мактабдан ташқари муассасалар, ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари, ўқувчилар оромгоҳларида ўрганиш учун ушбу методик маслаҳатларни тайёрлади:

Ҳужжатларни ўрганиш учун 3 соатлик машғулот ўтказиш тавсия этилади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ШУ НОМДАГИ РИСОЛАСИНИ МАКТАБЛАРДА, ҲУНАР-ТЕХНИКА, ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИ, ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТЛАРИДА, ЎҚИТУВЧИЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТЛАРИДА, МАКТАБДАН ТАШҚАРИ МУАССАСАЛАРДА, ЎҚУВЧИЛАР ОРОМГОҲЛАРИДА ЎРГАНИШ УЧУН**

## МЕТОДИК МАСЛАҲАТЛАР

### МАШҒУЛОТНИНГ НОМИ ВА АЖРАТИЛГАН СОАТ

1. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Комсомольская правда» газетаси мухбирлари саволларига берган жавоблари — 1 соат.

2. Ислом Каримовнинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги хорижий мухбирлар Халқаро уюшмаси билан суҳбати ва унда олға сурилган ғоялар — 1 соат.

3. Республика Президенти Ислом Каримовнинг чет эллик мухбирлар саволларига берган жавоблари — ҳозирги даврда Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг кўламли ишларнинг ёрқин ифодасидир. (Амалий машғулот — давра суҳбати).

### I-МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «КОМСОМОЛЬСКАЯ ПРАВДА» ГАЗЕТАСИ МУХБИРЛАРИ САВОЛЛАРИГА БЕРГАН ЖАВОБЛАРИ.

Ислом Каримовнинг «Комсомольская правда» газетаси мухбирлари саволларига берган жавоблари ҳақида гап борар экан, ўқитувчи, аввало, Ўзбекистон Президентининг собиқ Иттифоқ тасарруфидаги республикалар мустақил давлатлар сифатида ажралиб кетса-да, ҳозирги даврда шу давлатлар билан мустаҳкам дўстликни сақлаб қолиш зарурлиги ҳақидаги фикрларини баён этиши лозим.

Мустақил давлатлар ҳамкорлиги ҳақида гап борар экан, республика Президенти «... мен ҳамиша Ҳамдўстлик тарафдори бўлиб келдим. Ҳамдўстликни мен хўжалик алоқаларини сақлаб қолиш шаклигина эмас, мулоқот-алоқаларни сақлаб қолишнинг маърифий шакли, деб биламан» деди. Бунда асосий эътибор маънавий алоқаларни ўрнатишга қаратилади.

«Комсомольская правда» газетаси мухбири Ислом Каримовга берган саволлардан бирида «Минскдаги сўнгги учрашувда МДҲ Низомини баъзи писандалар билан имзоладингиз, уларнинг моҳияти нимада?» деганида, республика Президенти Ўзбекистоннинг мустақилликка эришгани учун ҳеч қайси давлат ҳеч қандай йўл билан тазйиқ ўтказмаслиги кераклигини ҳисобга олганлигини билдирди. Аввало, шу имзо чекишда ҳеч қандай писанда бўлмаган. Лекин айрим мамлакатлар (уларни буюк давлатлар деб атаймиз) эндигина шаклланиб келаётган давлатларга маърифий йўл билан бўлса ҳам тазйиқ ўтказиш воситаларидан воз кечишни сира хоҳламаётганликларини яна бир бор таъкидламоқчи бўлганини айтди. На иқтисодиётда, на сиёсий вазиятда, Ҳамдўстликнинг бирорта ҳужжатида ҳам ички турмушимизга таъсир ўтказишнинг шакли сифатида тазйиқдан фойдаланишга имконият, тирқиш қолдирмаслик кераклиги билдирилди.

«Комсомольская правда» газетаси мухбирининг Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга берган саволларидан бири Ўзбекистоннинг ўз истиқлол йўлини кенгроқ тушунтириб бериш масаласига қаратилди.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласи асосида тайёрланган методик маслаҳатларда ҳам шу масала юзасидан фикр юритилган. Шунинг учун бу савол бўйича ўқитувчи ана шу методик маслаҳатларни ҳам назарда тутиши лозим. Шу билан бирга И. А. Каримовнинг «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг» рисоласидаги 5—7-бетларга мурожаат қилиши лозим. Унда, биринчидан, иқтисодиётни сиёсатдан устиворлиги ва бунда иқтисодиёт мафкурадан холи бўлиши ҳақида гап боради; иккинчидан, давлатнинг бош ислоҳотчи эканлиги, яъни бир жамият кетиб, унинг ўрнида бошқа жамият қуриладиган ўтиш даврида айни давлатнинг ўзи бошқарув воситаларини асло қўлдан чиқармаслик, янги уй қурмай туриб, эскисини бузмаслик, инсон ўзини боқиб, тўйдириб келган нарсаларни вайрон қилишга берилиб кетмаслик, учинчидан, Ўзбекистон қонунларига итоаткорлик. ҳақида гап боради.

Бунда ўқитувчи қонун ҳамма нарсадан устун туришини таъкидлаши зарур. Қонунни ҳурмат қилиш учун шундай туйғуни тарбиялаш керак. Шулар ҳақида гап борар экан, ҳозирги вақтда Ўзбекистон қонунларини, Конституциясини ўқувчиларга тушунтириб бериш учун Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти қошида ҳуқуқшунослик бўйича ўқитувчиларга иккинчи мутахассислик бериш учун махсус курс очилаётганини ва бу масала Халқ таълими вазирлиги ҳайъатида кўриб чиқилгани баён этилади. Шу билан бирга хусусий мулкни ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳам алоҳида фикр юритилиши лозим;

Ўзбекистоннинг ўз истиқлол йўлидаги тўртинчи муҳим масала — ижтимоий сиёсатдир.

Республика Президенти бу масала юзасидан гапирар экан, Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ўтган йили 550 минг кишига кўпайгани, Россия аҳолиси эса 70 минг кишига камайганини баён этди. Шу билан бирга мана шундай вазиятда Ўзбекистонда оз маош тегадиган табақаларга: кўп болали оилаларга, қарияларга, қарамоғида ҳеч кими бўлмаган кишиларга мадад берилиши лозимлигини уқтирди.

Юқоридаги санаб ўтилган омилларнинг бешинчисида — бозор иқтисодиёти ҳақида гап юритилади ва бу жараён босқичма-босқич амалга оширилажаги уқтирилади.

Бу масалани кенгроқ баён этиш учун ўқитувчи «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг» рисоласининг 7-бетига мурожаат қилиши лозим.

Маълумки, берилган саволлардан бири, Ўзбекистоннинг ўз пулини жорий этиш масаласи бўлди,

Бу саволга жавобда Ўзбекистон Президенти пул босиб чиқарадиган станок Россиянинг қўлида экани, у ерда пулнинг қадрсизланиб бораётгани, шундай бўлса-да, ҳозирча битта рубль зонасида турган эканмиз, пул босиб чиқарадиган станок ҳам давлатлардан юқори туриши кераклиги, рубль барчанинг бир хил манфаатларидан келиб чиққан ҳолда босиб чиқарилиши лозимлигини, Россия ўз миллий пулини жорий этмас экан, Ўзбекистон ҳам бундай қилмаслигини баён этди. Бу масалани кенгроқ ёритиш учун ўқитувчи Ҳамдўстликдаги айрим давлатларда содир бўлган пул алмаштириш ва унга нисбатан Ислом Каримовнинг айтган фикр-мулоҳазаларини мисол тариқасида келтириши мумкин.

Саволлардан бирида гап И. Каримовнинг Ўрта Осиёда муқобиллик асосида сайланган бирдан-бир Президент эканлиги, шунга қарамай, мухолифлар уни тоталитаризмда айблаб, танқид қилишаётгани ҳақида боради.

Бу саволга берилган жавобда Президент, аввало, айтилган ҳамма гапнинг исботи бўлиши кераклиги, ундан ташқари «Олға томон қилинадиган ҳаракат нуқтаи назаридан ўз дастурига эга, жамиятнинг келажагини англайдиган мухолифларни эътироф қиламан» деб таъкидлади.

Ўқитувчи мазкур мавзуни кенгроқ ёритиш учун рисоланинг 9—10-бетларига мурожаат қилиши лозим. Ислом Каримовнинг жавобларида «Бирлик» ҳаракати фаолияти, Тожикистонда бўлиб ўтган воқеалар ҳақида гап боради. (Қаранг, 10 — 11-бетлар).

Тожикистон ҳақида фикр юритилар экан, Президент Ислом Каримов бу ердаги воқеаларнинг туб моҳиятига алоҳида тўхталди, воқеаларни таҳлил этиб, фикр-мулоҳаза билдирди.

Ўқитувчи мазкур мавзуни якунлар экан, тингловчилар диққатини республика Президентининг қуйидаги фикрларига қаратади:

«Мухолифларим мени диктатор қилиб кўрсатишни жуда ҳоҳлайдилар. Тан оламан: эҳтимол, менинг ҳаракатларимда авторитаризм нишоналари бордир. Аммо мен буни фақат бир нарса билан изоҳлайман: тарихнинг муайян даврларида, ҳақиқий давлатчилик қарор топаётган пайтда, айниқса, бир тизимдан иккинчисига ўтиш даврида, ҳарҳолда кучли ижроия ҳокимияти зарур. Қон тўкилишига ва қарама қаршиликка йўл қўймаслик, минтақада миллатлараро ва фуқаролар тотувлиги, тинчлиги ва барқарорликни сақлаш учун шундай бўлиши зарур, бу йўлда мен жонимни фидо қилишга тайёрман...».

### II. МАВЗУ: ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИДАГИ ХОРИЖИЙ МУХБИРЛАР ХАЛҚАРО УЮШМАСИ АЪЗОЛАРИ БИЛАН СУҲБАТИ ВА УНДА ОЛҒА СУРИЛГАН ҒОЯЛАР

Ўқитувчи мазкур мавзуни бошлашда Ўзбекистон ўзини мустақил давлат деб эълон этгандан сўнг хорижий давлатларнинг бу ёш мустақил республика билан яқиндан танишиш иштиёқи орта бошлаганини, авваллари Ўрта Осиё республикаларини хорижда кўпчилик яхши билмасликка айрим объектив ва субъектив сабаблар мавжуд бўлганлигини айтади. Эндиликда барча хорижий давлатлар билан Ўзбекистон халқлари бевосита алоқалар ўрнатиш, ҳамкорлик қилиш имкони туғилганини баён этади. Бу фикрлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг МДҲ хорижий мухбирлар Халқаро уюшмаси аъзолари билан учрашувдаги нутқида ҳам қайд этилди. Ана шу учрашувда Марко Полити — Ҳамдўстлик мамлакатларидаги хорижий мухбирлар Халқаро уюшмасининг раҳбари, «Мессаджеро» газетаси (Италия), Лейла Боултон — «Файненшнл Таймс» (Буюк Британия), Диса Хастад — «Дагенс Нюхетер» (Швеция), Бетси Маккей — «Москоу Таймс» (АҚШ), Минесдес Веласко — Мексика телевидениеси, Роз Бреди — «Бизнес уик» журнали (АҚШ), Ян Краузе — «Монд» журнали (Франция), Евалд Троянски — «Рейнише Пост» газетаси (Германия), Мухтор Ғаниев — «Останкино» телевидениеси (Москва), Икеда Мотохира — «Нихон Кейзай» (Япония), Карол Ландри — АФП (Франция), Александр Меркушев — «Ассошиэйтед пресс» агентлиги (АҚШ), Луиджи Сандри — АНСА (Италия), Петр Ким — Корейс маданий маркази, Кристофер Бауэр — «Би-би-си», Карен Аганиров — «Озодлик» радиоси (АҚШ) мухбирлари Ўзбекистон Президентига турли хил саволлар билан мурожаат этдилар. Барча саволларга Ислом Каримов муфассал, аниқ мисоллар билан жавоб қилди.

Ана шу учрашувдаги Марко Полити сўзидан шу нарса маълум бўлдики, бундай мулоқотлар уюштириш МДҲдаги барча давлатлар бошлиқлари билан ўтказилади. Ана шу учрашув ҳақидаги таклифга Ислом Каримов биринчи бўлиб ижобий жавоб берган. Чунки Ўзбекистон Президенти хорижий мамлакатлар мухбирларига Ўзбекистонда содир бўлаётган воқеаларни рўй-рост айтишни, бу билан мустақилликка эришган ёш республикада қилинаётган ижобий тажрибаларни бошқаларга ҳам етказишни лозим топди. Шунинг учун у мухбирларга «Келинглар, одамлар билан учрашинглар, муаммоларимизни, муваффақиятларимизни ўрганинглар. Биз Марказий Осиёнинг энг катта мамлакатларидан бирида рўй бераётган воқеаларни ҳалол ёритувчи қаламкашларни ҳамиша қувонч билан кутиб оламиз. Мен сизларнинг бу ерда ўз қароргоҳингизни очиш ниятингизни қўллаб-қувватлайман», деди.

Марко Политининг берган саволида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида ҳамкорлик ва бирлашув истиқболлари ҳамдўстликнинг келажаги ўртага ташланди.

Бу саволга Ислом Каримов «МДҲнинг келажаги бор. Ҳозирги мустақил давлатлар ўртасидаги кўп йиллик иқтисодий алоқаларни узиб бўлмайди», деб жавоб қайтарди.

Ўқитувчи тингловчилар диққатини Буюк Британиянинг «Файненшил Таймс» мухбири Лейла Боултоннинг «Аввалгидек рублдан миллий валюта сифатида фойдаланасизми?» деган саволига жалб этиши зарур. Бу саволга ҳам жавоб қилишда рисоланинг 16—17-бетларига мурожаат қилиш лозим. Унда ушбу масала устида батафсил тўхталиб Ислом Каримовнинг «...Россия ўз валютасига ўтмагунча Ўзбекистон рубль зонасида қолади» деган фикрини баён этиш мақсадга мувофиқдир.

Швецияда чиқадиган «Лагенс Нюхетер» газетаси мухбири Диса Хастаднинг берган саволи Ўзбекистондаги сиёсий жараёнга қаратилди. Бу саволга ҳар томонлама тўла жавоб беришга ҳаракат қилинди. Унда асосий ғоя — Ўзбекистон Конституцияси моддаларини бузмаслик масаласидир. Ўқитувчи бу масалани чуқурроқ баён этиш учун рисоланинг 18—21-бетларига мурожаат қилиши мумкин.

Ўқитувчи тингловчилар билан суҳбат ўтказар экан, хорижий давлатлар мухбирларини Ўзбекистондаги ишбилармонлар фаолияти ҳам қизиқтирганлигини алоҳида гапириши лозим.

Масалан, «Бизнес Уик» газетасининг мухбири Роз Бреди «Ўзбекистонда ишбилармонлар қисувга олинмоқда, деган хабарлар бор. Республика раҳбариятининг ишбилармонлик тузилмаларини чеклаш дастури борми?» деган саволига республика Президенти Ўзбекистон Конституциясидан мисоллар келтириб «...хусусий мулк тақиқланиши у ёқда турсин, балки давлат томонидан муҳофаза қилинади, деб ёзиб қўйилган» дейди. Шу билан бирга республикада бозор муносабатларига ўтиш жараёнлари осон кечмаётганлиги, Россияда рўй бераётган айрим жараёнлар Ўзбекистонга ҳам ўз таъсирини ўтказаётганлиги ва энг муҳими, республикада янги шарт-шароитга ўтишнинг ўзига хос концепцияси ишлаб чиқилгани тушунтирилди.

Ўқитувчи Президент Ислом Каримовнинг бу концепцияда 5 та муҳим масала:

— иқтисодиёт ҳамиша сиёсатдан юқорида туриши;

— фақат давлат, қонуний йўл билан сайланган ҳокимиятгина ислоҳотчи бўлиши, давлат бошқариш жиловини қўлдан бермаслиги;

— давлатнинг ўз фуқароларини муҳофаза қилишга қодир бўлиши;

— қонуннинг ҳамма нарсадан устун бўлиши;

— Шарқнинг турмуш тузилиши, руҳиятини, фалсафасини, унинг буюк Ислом динини ҳисобга олмоқ энг муҳим масала эканлигини эътиборга олганини гапиради.

Буларнинг ҳар бирини тушунтириб беришда ўқитувчи рисоланинг 25—27-бетларига мурожаат қилиши мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Президенти республикадаги «Бирлик» ҳаракатидан ташқари, «Эрк», Халқ демократик партияси, «Ватан тараққиёти» партиялари фаолиятлари ҳақида ҳам қисқача ўз фикрларини билдириб ўтди. Ўқитувчи бу ҳақда рисоланинг 28-бетидан маълумот олиши мумкин. Унда «Ватан тараққиёти» фирқаси ўз сафларида бизнесменларни, ишбилармонларни, ўз Ватанини тезроқ бозор иқтисодиёти изига олиб чиқишга интилаётган бошқа кишиларни бирлаштирган фирқа эканлиги таъкидланган. Шунингдек, ХДП фирқаси ҳақида ҳам ижобий фикрлар бор. Шу билан бирга ёшларга бағишланган тегишли фикр-мулоҳазалар ўрин олган.

Ислом Каримовга берилган саволларда Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ҳозирги муносабатлар, Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқаришининг 1992 йилда қандай бажарилгани, Ўзбекистонда бошқа миллатга мансуб бўлган собит мутахассисларни сақлаб қолиш учун нима ишлар қилинаётгани, Республикада наркотик моддаларга нисбатан қандай курашлар олиб борилаётгани, ислом динига, ислом ақидапарастлигига тегишли баъзи масалалар, Ўзбекистон учун Туркиянинг тараққиёт йўли, Корея давлати билан Ўзбекистоннинг ўзаро алоқалари бундан буён қандай бўлиши каби масалалар ҳам ўрин олди.

Бу мавзуларни кенгроқ очиб бериш учун ўқитувчи рисоланинг 33—47бетларига мурожаат қилиши лозим.

### III МАВЗУ: РЕСПУБЛИКА ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЧЕТ ЭЛЛИК МУХБИРЛАР САВОЛЛАРИГА БЕРГАН ЖАВОБЛАРИ — ҲОЗИРГИ ДАВРДА ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ИШЛАРНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИДИР.

**(Давра суҳбати. Амалий машғулот).**

Бу мавзуда давра суҳбати ўтказиш учун тингловчиларга И. А. Каримовнинг «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг» рисоласидаги савол-жавобларни диққат билан ўқиб чиқиш, 49—111-бетларда чоп этилган жамоатчилик фикри билан танишиб чиқиш тавсия этилади.

Давра суҳбатида тингловчилардан ташқари зиёлилар, колхозчилар, кексалар ҳам иштирок этишлари мумкин.

Суҳбатни ўқитувчи бошқариб боради ва охирида тегишли хулосалар билан якунлайди.

**Фойдаланиш учун тегишли манбалар:**

1. И. А. Каримов. «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг». Тошкент, «Ўзбекистон», 1993 й.

2. И. А. Каримов. «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат», Тошкент, «Ўзбекистон, 1992 йил.

3. «Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик!». Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 1993 йил 6 май куни республика Олий Кенгашининг ўн иккинчи сессиясида сўзлаган нутқи.

4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, «Ўзбекистон», 1992 йил.

*Виждонан меҳнат қилаётганлар*

# МУАЛЛИМЛАРНИНГ УСТОЗИ



Аҳли донишларнинг айтишларича, билим саодатга элтади. Билимидан ўзгаларни баҳраманд этувчи кишилар эса энг оқил ва савобга ботган ҳисобланиб, ҳамиша эҳтиромга сазовор. Шу абадий тушунчанинг мавжудлигиданмикан, Тўлқиной опа муаллимликни танлаганидан жуда мамнун. У ўз ҳаётини мактабсиз, ўқувчиларсиз тасаввур қилолмайди. Ўқувчилик йилларининг тиниқ хотираси эсига тушганда, энтикиб кетиши, дили ёришиб, нурга тўлишининг сабаби ҳам шунда бўлса керак.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтини 1959 йили имтиёзли диплом билан тамомлаган Тўлқиной Пошшахўжаева меҳнат фаолиятини дастлаб пойтахтдаги 38 ва 40-ўрта мактабларда ўқувчиларга меҳнат таълимидан сабоқ беришдан бошлади. 1965 йилдан ҳозиргача эса Акмал Икромов туманидаги 62-мактабда институтда олган билимларини ўқувчиларга сингдириш, бўлажак оила соҳибаларининг уй-рўзғор ишларини ҳам бекаму кўст ўрганишлари учун астойдил меҳнат қилди.

Бир соатлик дарс. Ёш авлод онгига дунёвий билимлар етказиладиган бу фурсатдан унумли фойдаланиш катта маҳорат талаб қилади. Хўш, бунинг учун ўқитувчи қандай хислатларга эга бўлиши лозим? Улардан энг асосийси ўз фаолиятига танқидий ёндашиш, ўқиш, ўрганиш, изланиш, янгиликлар билан доимо танишиб бориб, уларни амалиётда қўллашдир. Ўқитувчи меҳнатининг самараси ана шунда намоён бўлади, деб тушунади Тўлқиной опа.

Пошшахўжаева дарсда ўқувчиларга пазандалик ва унинг аҳамияти, ошхона жиҳозлари ва ундан фойдаланиш усуллари, миллий таомлар ва турли салатлар тайёрлаш, маҳсулотларни консервалаш ва тузлаш йўлларини ўргатиш билан бирга амалий машғулотлар ҳам ўтказади.

Газламашунослик мавзусида эса ўқувчиларни газлама билан ишлаш, уни пардозлаш, бичиш ва тикиш, дазмоллаш ҳақидаги маълумотлар билан таништиради. Пошшахўжаеванинг соҳаси инженерлик эмасми, у тикув машинасининг тузилиши ва ундан фойдаланиш, электр асбобларини ишлатишда эҳтиёт чораларига алоҳида эътибор беради.

— Меҳнатни саодатнинг калити — умргузаронликнинг асоси, деган фикрни ҳеч ким рад этолмайди, — дейди у. — Меҳнат кишини тарбиялайди, камолотга элтади, қариган чоғда эса ҳар қалай роҳат келтиради. Шундай бўлгач, меҳнат инсон умрининг гултожи эканлигини ёшлар онгига сингдириш лозим.

Тўлқиной опа меҳнат тарбиясини тарбиянинг бошқа жиҳатларига шунчалик усталик билан қиёслайдики, ўқувчи унга маҳлиё бўлиб қолади. Қандай қилиб? Ўқувчи ўзи қилган ишининг натижасини кўриб қониқса, кўзи қувонса, муаллимнинг меҳнати самара берибди, деяверинг.

— Сўз боши ассалом, иш боши интизом, деганларидек, Тўлқиной опанинг олижаноб фазилатларидан бири дарсга вақтида келиши билан бирга ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланишдадир, — дейди илмий бўлим мудири Т. Ражаматова.

Устознинг меҳнат таълимидан очиқ дарслари «Ойнаи жаҳон» орқали кўрсатилган. Унда ўқувчиларнинг бичиш-тикиш ва пазандаликдан олган билимлари намойиш этилди. Унинг шаҳар ва туман миқёсида ўтказган очиқ дарслари аъло баҳоланган.

Йигирма йилдирки, Т. Пошшахўжаева мактабда ўқувчиларга сабоқ бериш билан бирга Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институтида курс тингловчиларига меҳнат таълимидан маърузa ўқийди.

— Тўлқиной опадан кўп нарсаларни ўргандик, — дейди Мирзо Улуғбек туманидаги 64-ўрта мактаб ўқитувчиси Ҳанифахон Мустафоева. — У ҳар бир дарсга ижодий ёндашади, тарқатма кўргазмали қуроллардан фойдаланиш усулларини тушунтиради, ҳар бир машғулотда янгилик киритишга ҳаракат қилади. Айниқса, тежамкор бўлишни, етти ўлчаб бир кесиш лозимлигини алоҳида уқтиради. Мен ҳам устоздан олган билимларимни имкон қадар ўқувчиларимга тўла-тўкис етказишга интиламан.

Шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг меҳнат таълими кабинети мудири Шоиста Абдураҳмонова бундан 25 йил муқаддам Пошшахўжаеванинг дарсларини обдон кузатиб, унда педагогик маҳорат ошиб бораётганига тўла амин бўлган эди. Ўшанда Абдураҳмонова Тўлқиной опага ўзбек тилида ҳеч қандай қўлланма йўқлиги сабабли мактабдаги илғор иш тажрибалари ва мазкур институтда ўқиган маърузалари асосида меҳнат таълимидан дарслик яратишни таклиф этганди.

Тўлқиной опа ўзининг қилаётган ишлари оммалаштиришга арзирли эканлигини кабинет мудиридан эшитиб, анча кўнгли кўтарилди. Лекин у китоб ёзиш масъулиятидан бироз чўчиди. Кўз қўрқоқ, қўл ботир деганларидек, у ҳаммуаллифи Ш. Абдураҳмонова билан тер тўкиб қилган меҳнатлари натижасида «Хизмат кўрсатиш меҳнати» қўлланмасини тайёрлади ва у 1992 йили нашрдан чиқди. Мазкур қўлланма шаҳар ва қишлоқ мактабларининг 5 ва 6-синфлари учун меҳнат таълими дастури асосида ёзилган. 7-синфлар учун қўлланма ҳам нашриётга топшириб қўйилган.

Пошшахўжаева «Хизмат кўрсатиш меҳнати» қўлланмаси жуда оз нусхада чоп этилганини, ўқувчилар у ёқда турсин, ҳатто курс тингловчиларига ҳам зарур миқдорда етиб келмаганлигини афсус билан айтди. Тўғри, дастлаб шаҳар мактабларига мўлжалланган мазкур китоб республикамизнинг барча вилоятларидаги мактаб ўқувчиларига чиқарилганидан кейин етарли нусхада босилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди. Кўпгина ўқитувчилар мазкур қўлланма кўпроқ нусхада чиқарилишини илтимос қилиб, шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институтига ва шахсан Тўлқиной опага мактублар йўллашган.

— Самимийлик — ажойиб фазилат, ҳар бир инсон феълатворини безовчи жавоҳирдир, — дейди меҳнат таълими кабинети мудири Ш. Абдураҳмонова. — Эл орасида обрў орттирган, халқ эътиқод қўйган кишилар, айниқса, бундай фазилатга эга бўлади. Тўлқиной Пошшахўжаевани ана шундай инсонлардан деб биламан. У билан суҳбатлашган ҳар бир киши ўз руҳида яшашдан қаноатлантирувчи кайфият сезади.

Тўлқиной опа оилада ҳам садоқатли ёр, меҳридарё она ва невараларнинг ширинсўз «каттаойиси»дир. Унинг олти нафар ўғли халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилишмоқда. Улар шарқона аҳлоқ-одоби билан кўпчилик эътиборини қозонган. Унинг бола-чақаларидан кўнгли тўқ. Тўрт келини, тўққиз невараси атрофида парвона.

Биз Тўлқиной опадан қайси фазилат инсонга зеб беришини сўраганимизда, у лўнда қилиб шундай деди: «Инсонда қадр-қиммат, меҳр-оқибат, имон-эътиқод, тўғрилик ва поклик йўқолмаслигини истайман. Ана шунда халқимиз аҳилликда фаровон ҳаёт кечираверади».

Т. Пошшахўжаевада катта унвон ва орден-медаллар йўқ. Лекин кўксини безаб турган «Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси» нишони, методист-ўқитувчи унвони ўқитувчилик мавқеи қай даражадалигини кўрсатиб турибди.

**Дилбар ХЎЖАЕВА.**



## УЛАР АМЕРИКАДА ЎҚИШАДИ

Истиқлол тақозоси, жумҳурият мустақиллиги барча соҳаларда бўлаётганидек, халқ таълимини янгилашга, уни юксалтириб, юқори поғоналардан бирига олиб чиқишга ҳам кенг имкониятлар яратмоқда. Эндиликда таълим соҳасида қатор хайрли ишларнинг амалга оширилаётганлиги бу фикрнинг далилидир. Шу ўринда ушбу мисолга аҳамият қаратилишини истардик.

Ёдингизда бўлса, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Америка Қўшма Штатлари таълим вазирлигининг ўзаро келишувига мувофиқ шу йилнинг март ойида жумҳуриятимиздаги инглиз тили чуқур ўргатиладиган мактаблардан тест синовлари танлови асосида ўқувчиларни саралаш, улар 1993/94 ўқув йилида Америкага бориб ўқиши кўзда тутилганди.

Ниҳоят, катта синовлардан ўтиб, АҚШга бориб ўқийдиганлар аниқланди. Улардан бири тошкентлик Ойдин Абдуллаевадир.

— Америкага бориб ўқиш биз учун қанчалик шарафли. Юз бор эшитгандан бир марта кўрган афзал, дейишади. Американиклар урф-одатини, маданиятини, энг муҳими, тилини ўрганиш бош мақсадимиз бўлса, олдимизда яна катта синовлар турибди. Энг, аввало, биз Ўзбекистондан эканлигимизни, маданиятимизни, шулар қаторида одоб-ахлоқи, ақл-заковати билан дунёга ном таратган авлодларнинг давомчилари эканлигимизни, улар юртига боргач, ўқишимиз, юриш-туришимиз, зукколигимизу билимдонлигимиз билан намойиш этишимиз лозим.

Ўзбекистонда, ўз шаҳримизда бизга таълим-тарбия берган мураббийларимиз ўгитларига амал қилган ҳолда, ҳеч қачон уларнинг юзини ерга қаратмасликка ишонаман.

Ҳа, икки давлат халқ таълими вазирликларининг ҳамкорликдаги шартномаларига кўра, Ўзбекистон мактабларидан биринчи қалдирғочлар Америка сафарига ҳозирлик кўришаяпти. Ҳали бу қалдирғочларнинг сафи янада кенгайишига ҳеч бир шубҳа йўқ.

Суратда: АҚШга ўқишга бориш учун сафар ҳозирлигини кўраётган бир гуруҳ ўқувчилар устозлари билан суҳбатлашмоқда.

Р. АЛЬБЕКОВ суратга олган.

